

# Американи «очган» чеварлар

«Тошкент оқшоми» газетаси оталиғидаги «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида асосан аёллар меҳнат қилишади. Улар ўтган йили халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планини 104,9 процентга етказиб бажардилар, яъни пландан ташқари 1160 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ҳайратга соладиган яна бир гап шуки, улар қўлидан чиққан маҳсулотлар Америка Қўшма Штатларигача бориб етди, бу ҳақда илгари оқшомхонларга хабар берган эдик...

**— Юқори кўрсаткичга эришганлигимизнинг асосий сабабларидан бири — иқтисодий ислоҳотни ишлаб чиқаришга жорий қила бошлаганимизда десам хато бўлмайди, — дейди бирлашма партия комитетининг секретари Зуҳра Қодировна Туропова. — Ўтган йилнинг октябрида меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги системасига ўтилганидан кейин нафақат ишлаб чиқариш самарадорлиги, балки ишчилар маоши ҳам 4 процентга, инженер-техник ходимларники эса 7 процентга ортди. Маҳсулот ассортиментимиз яна 22 тага кўпайиб, ҳозирда истеъмолчиларга халқ истеъмоли молларининг жами 97 турини етказиб беряпмиз.**

**Бирлашма республика енгил саноат министрлиги орқали АҚШнинг «Блэски импортс» фирмаси билан шартнома тузиб, американиклар буюртмаси бўйича 200 та ўзбек чопонини экспорт қилди. Натижада бирлашма озми-кўпми ўзининг валюта фондига ҳам эга бўлди. Бу йил бошида мазкур фирма вакиллари ўзларининг дидига қараб яна буюртма билан келишди. «Чевар»ликлар ташқи савдо-сотиқ алоқаларини янада жонлантириш мақсадида эндиликда Хитой Халқ Республикаси билан ҳам шартнома боғлашни ният қилиб қўйишибди.**

**Ҳа, ютуқлар ўз-ўзидан келавермайди, албатта. Бунинг учун аввалambор, бирлашма партия комитети, унинг ҳисобидаги 225 нафар партия аъзоси ва аъзоликка номзодлар бир ёқадан бош чиқариб, бутун коллективни эргаштира олишлари лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Партком ўз олдига сиёсий ислоҳот моҳиятини ҳар бир меҳнатчига етказиш масаласини қўйди. Бу ишда, яъни хўжалик ҳисоби, ижара пудрати, кооперация, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, турли шаклдаги индивидуал меҳнат фаолияти илдиз отаётган бугунги кунда иқтисодий ўқув системасининг нечоғли зарур эканлиги сир эмасди. Шу боисдан ҳам бош инженер, касаба союз комитети раиси, план-иқтисодий, техник-ахбороти, меҳнат ва иш ҳақи, кадрлар бўлими бошлиқларидан иборат иқтисодий ўқув методик Совети тузилди. Мазкур Советда меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги системасига ҳамда хўжалик ҳисобига ўтишнинг маъмурий ходимларига ва ишчиларга мўлжалланган алоҳида-алоҳида ўқув планларини ишлаб чиқилди.**

**Иқтисодий билимни такомиллаштириш, бу соҳадаги тажрибасини ошириш мақсадида бригада бошлиқлари иқтисодий ўқуви пропагандисти, коммунист Салима Собитовна Матмусаева бултур республикамиз пропагандистларидан ташкил топган махсус агитпоездда Украинанинг ўнта шаҳрида бўлиб, тажриба алмашиб келди.**

**— Мен Украинада асосан ўзимизнинг соҳадаги корхоналар пропагандистлари билан суҳбатлашдим, — дейди Салима Собитовна. — Билганларимни ўртоқлашдим, анча-мунча тажриба орттирдим. Эндиликда бизда ҳам ҳар бир тингловчи реферат ёзадиган, пропагандистлар эса аудиторияга албатта, конспект тайёрлаб кирадиган бўлишди.**

**Уларнинг бизники каби катта корхоналарида биттадан пропагандист штати (маоши) бор эди. Ўша одам фақат шу иш билан шуғулланади: адабиётлар, диаграммалар, слайдлар ва бошқа иқтисодий ўқишга мўлжалланган жиҳозлар билан штатсиз пропагандистларни мунтазам равишда таъминлаб туради. Натижада пропагандистларнинг вақтлари тежалиб, машғулотларга пухта тайёрланишади. Бизда ҳали бу тажриба оммалашгани йўқ.**

**С. С. Матмусаева ҳақ. Бу таклифни — украиналиклар тажрибасини юқори партия ташкилотлари маъқуллаб қолишса, ажаб. мас! «Чевар»да иқтисодий ислоҳот ўз аксини топа бошлаганидан эътиборан, аниқроғи хўжалик ҳисобига ўтиш эксперимент қилина бошланган ўтган йилданоқ, меҳнатчиларда иқтисодий ўқувга бўлган муносабат кескин ўзгарди: арзимас баҳона билан машғулотларга келмаслик барҳам топди, меҳнатчиларда иқтисодий ислоҳотни негиз-негизигача билиш иштиёқи пайдо бўлди. Эндиликда машғулотлар савол-жавоблар, тортишувлар билан қизиқарли ўтаяпти.**

**— Агар ишимизда узилиш бўлмаса, бу йил аҳолига 69 минг сўмлик пулли хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари ассортиментини яна 25 тага кўпайтириш, шунингдек бирлашма бўйича 2305 минг сўм фойда олиш ҳамда ишчилар ва инженер-техник ходимлар иш ҳақини яна 17—28 процентга ошириш кўзда тутилмоқда, — дейди партком секретари Зуҳра Қодировна.**

**Коммунистлар меҳнат фаолияти билан танишар эканмиз, ҳар бир иш жойида коммунистларнинг ўз ҳамкасбларига намуна бўлаётганликларининг гувоҳи бўлдик: Акмал Икромов район партия комитети аъзоси М. Қўчқорова, Ш. Турсунова, Д. Исломова, Р. Бозорбоева, Г. Тулибоева, М. Туропова, Ф. Самархўжаева сингари қатор партия аъзолари ва аъзоликка кандидатлар бугунги кунда ўн учинчи беш йиллик ҳисобига тер тўкишмоқда. Хуллас, партком секретари сўзларига ишонишга асос бор, негаки, пешқадамлар сафи борган сари ортиб бормоқда. Демак, бирлашма илғорликни қўлдан бермай бораверади, меҳнатчилар турмуш шароити бундан ҳам яхшироқ бўлаверади.**

**Партия комитети эса ўз навбатида коммунистлар, партия группалари ва бошланғич ташкилотлари ролини, масъулиятини ошириш йўлида изланяпти; партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш юзасидан область партия ташкилоти қабул қилган комплекс тадбирлар планини ҳаётга тадбиқ эта бориб, 69 коммунистни синовдан ўтказди (шулардан 8 нафари «шартли» ўтказилган, 2 нафари аттестациядан ўтолмаган), 3 партия аъзолигига кандидат КПСС аъзолигига, партияга ўтишни хоҳловчилар резервида икки йил синалган 6 партиясиз эса КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Кадрларни тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйиш масаласи ҳам партком эътиборидан четда қолмаяпти: 22 нафар кишининг у ёки бу штат резервида синовдан ўтказилаётганлиги бунинг ёрқин мисолидир.**

Инсон табиати қизиқ-да, «Малика», тўқимачилик комбинати, «Чевар» ёки... дейилиши биланоқ, асосан хотин-қизлар ишлайдиган корхона кўз олдимизда гавдаланади. Дарҳақиқат, «Чевар»да эркаклар жуда камчилик экан: жами 2597 нафар меҳнатчининг 2426 нафарини хотин-қизлар ташкил этаркан. Раҳбарлик курсисида — бош инженер, касаба союз комитети раиси, ўрта бўғин етакчиларининг ҳам аксарияти аёллар. Бироқ, улар ваъдаларининг устидан чиқишда «мана-ман» деган «ўғил бола» корхоналардан қолишмаяпти.

Бирлашмадан узоқлашар эканман, лафзи ҳалол, қўли гул «Чевар»лик чеварларга: «Байрамингиз қутлуғ бўлсин! Доим соғ-саломат бўлинг», дегим келади.

**Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ,**
**СССР Журналистлар союзи аъзоси.**

# «Саодат» меҳмонимиз

Халқаро Хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театри биносида Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти студент-ёшларининг «Саодат» журнали редколлегия аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди. Бунда журнал бош редактори ўринбосари Санъат Маҳмудова «Саодат» журнали фаолияти билан яқиндан таништирди, кўплаб саволларга жавоб бериб, журнал режалари билан ўртоқлашди.

Кечада журналнинг масъул секретари, шоира Муҳтарама Улуғова, журнал ходими, шоира Марҳабо Мамадалиеваларнинг оналарни мадҳ этувчи, дўстлик ва қардошлик, ватанпарварлик ва интернационализм мавзуидаги шеърлари янгради. Институт бадиий ҳаваскорларидан А. Ўринов, М. Тўйчиева, М. Раҳимбердиева, М. Зулфиқоров, А. Юсуфалиевларнинг куй ва қўшиқлари, ашула ва рақслари — баҳор тароналари кечага янада файз киритди.

Байрам шодиёнаси сўнгида А. Галиннинг «Сўнаётган юлдузлар» спектакли намойиш этилди.

**Суннат РИЗАЕВ,**
**филология фанлари кандидати.**

# «Лола» таровати

**Олам гўзаллиги аёл билан, унинг чиройи, мафтункорлиги билан! Дунёда чиройли ва замонавий бўлишни истамаган бирорта аёлни учратиб бўлмаса керак. Айниқса байрам кезларида! Ана шундай дамларда Тошкентдаги «Лола» атир-упа фабрикаси маҳсулотлари хотин-қизларимизга ёрдамга келади. Қолаверса, хушбўй атирлару упа-эликлар хотин-қизлар учун энг яхши совға бўла олади.**

Фабрика маҳсулотлари бугун Иттифоқимизнинг турли бурчакларига юборилмоқда. Хўжалик ҳисоби шароитида меҳнат қилаётган мазкур коллектив бугун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг байроқдор коллективларидан.

Бундан 6—7 йил илгари бу корхона планларни адо этолмай, маҳсулот етказиб бериш шартномаларини бузиб келарди. Ўша кезларда корхонанинг қарздорлиги 3 миллион сўмга яқинлашиб қолган, раҳбарлар эса бу қарзни қандай қилиб узиш устида бош қотиришарди.

Республикамиздагина эмас, балки Ўрта Осиёда ҳам аёлларнинг ягона кўмакчиси бўлган корхона тўла қувват билан ишлаш ўрнига қарзга ботиб ўтирса, унинг маҳсулотларини ҳар қадамда сотиб олиб бўлармиди? Атир-упа фабрикаси ишчилари ҳам бу ҳақда астойдил бош қотиришди. Қандай бўлмасин, бунинг чорасини топиш керак. Ассортиментларни янгилаш, савдода чанг босиб ётган атирлару упаларни сифатлиларига алмаштириш устида астойдил иш бошланди. Фабрикага янги машиналарнинг келтирилиши, уларга мос технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши самарадорликнинг ошишига замин яратди.

Корхона ишчилар учун иккинчи уй, иккинчи оила. Бу ерда унга кўрсатилган ғамхўрлик изсиз кетмади. Ишчиларга талабчанлик оширилди, шу билан бирга шароит ҳам яхшилана бошлади.

Шунинг учун ҳам хўжалик ҳисобига ўтиш ҳақидаги қарор бу ердагиларни сира ташвишга солмади. Чунки бу методнинг катта афзалликлари бор, асосийси корхона ўз ишига ўзи хўжайин, даромад фондидан ўзи истаганча фойдаланиши мумкин. Коллектив бу афзалликларни биринчилардан бўлиб, 1988 йилда амалда синаб кўрди. Йиллик план муддатидан олдин, 9 декабрдаёқ адо этиб бўлинди. Бу йилнинг дастлабки ойи план топшириқлари ҳам тўла адо этилди.

Сўнгги ойлар давомида хўжалик ҳисобидаги асосий кўрсаткич — шартнома мажбуриятлари 100 процентга бажариляпти. Якунланган йилда товар маҳсулот ҳажми 1987 йилга нисбатан 6,6 миллион сўмга ошганлиги фабрика коллективининг катта ютуғи бўлди.

Ўтган йили улгуржи нархларда 48336 минг сўмлик, давлат нархида эса 123110 сўмлик атир-упа маҳсулотлари хотин-қизларимиз кўнглини қувонтирди.

—Корхонада ҳар бир ишчининг меҳнат самарадорлиги ошишига алоҳида эътибор бериляпти, — дейди фабрика партия комитети секретари Холида Одилова. — Инсон омилига эътибор, цехларда яратилаётган қулайликлар ўз самарасини беряпти. Қолаверса, хўжалик ҳисоби шароитида ҳар бир ишчининг ўзига ва ҳамкасбларига талабчанлиги ошяпти.

Кўриниб турибдики, корхона кўрсаткичлари ҳавас қилса арзирлик даражада, эришилаётган ютуқлар охир оқибатида ҳар бир ишчи учун, шунингдек, фабрика учун бесамара бўлмаяпти. План топшириқларининг ортиғи билан адо этилиши ҳар бир ишчи маошининг ўсишига ўз-ўзидан замин яратиб берди. Бир йил ичида ўртача маош 150 сўмдан 166 сўмгача кўтарилди.

Корхонанинг янги иш шароитига ўтиши арафасида янги тариф ставкаларига ўтиш, ишчиларнинг тармоқ нормаси ва ойлигини қайта ҳисоблаб кўришга қарор қилганди. Бу қарорнинг амалга оширилиши бир томондан ишчилар маошининг ўсишига замин яратяпти. Корхона 1988 йилни 4663 минг сўмлик соф фойда билан якунлади. Бу маблағга дастлабки ойдаги 405 минг сўм ҳам қўшимча бўлди.

Хўжалик ҳисоби шароитида энг муҳими ҳам ана шу кўрсаткичдир. Мана шу маблағ ҳисобидан коллективда ишчиларни моддий рағбатлантириш фондига 50 минг, социал тараққиёт соҳасига 60 минг, ишлаб чиқариш тараққиёти ва янги техника фондига қўшимча 500 минг сўм ўтказилди.

— Фақатгина ўтган йили даромад фондимиздан 800 минг сўми ишлаб чиқариш шароитини яхшилашга сарфланди, — дейди фабрика директори Зоя Кузьминична Виноградова. — Бу пулларга цехларда ремонт ишлари амалга оширила бошланди, поллар янгиланди. Ишчилар учун шахсий кийим шкафларига буюртма бердик. Фабрика ишчиларининг 80 процентини хотин-қизлар ташкил этади.

Корхонамизда ишлаб чиқариш илғорларини туристик йўлланмалар билан тақдирлаш, қардош шаҳарларга коллектив экскурсиялар уюштириш одат тусига киряпти. Чиноз районида жойлашган дам олиш зонамиз ишчилар хизматида. Ҳозир олдимизда турган муҳим проблемалардан биттаси уй-жой масаласи ҳисобланади. 1990 йилда 9 қаватли турар жой биноси қуришни планлаштиряпмиз. Ҳозир эса уй зарур бўлган оилаларга кооператив квартиралар олишга ва уларга корхона томонидан 2 минг сўмгача моддий ёрдам кўрсатишни амалга оширяпмиз. Фабрикамизда бугун мингга яқин ишчи меҳнат қилади. Ҳар ҳолда катта коллектив. Улар учун қанчалик шароит яратсак, меҳнат самараси ҳам шунга яраша бўлади. Ҳар бир ишчининг унумли меҳнатигина коллектив ютуғини таъминлайди. Шу ўринда мен Лариса Панаргина, Зайтуна Бесирова, Феруза Толипова, Виктор Стебелев, Ноиба Мирзаева, Холида Ниёзова, Гулчеҳра Ҳожиметова, Шаҳноза Хаитова, Гулсара Абдуллаева сингари пешқадамларимизнинг номини ҳурмат билан тилга олгим келади. Цехлар ҳақида гап кетганда эса 1-қуюв цехи, пластмасса ва картонаж цехларининг яхши ишлаётганлигини айтиб ўтишим керак.

**Васида МАДИМАРОВА.**





Меҳнаткаш, оқила, лобар





# Улар исми сайёраларда

Ҳаёт — ҳаракат демакдир, бунга осмон ҳам мисол бўлади. Шунчаки, оддий қараганда қўзғалмасдек туюлган бу кенг коинот турли-туман ажабтовур ҳаракатларга бой. Хусусан, янги юлдузлар, учар юлдузметеорлар, кўплаб ваҳималар сабабчиси — кометалар, учар «ликопчалар», газ-чанг ва юлдуз тўдалари, «адашган юлдузлар» — сайёралар, эҳ-ҳе, буларнинг сон-саноғи йўқ. Уларнинг ҳар бири тўғрисида ҳис-ҳаяжонни буткул қамраб оладиган суҳбатларга коинот мухлислари кўп марта мушарраф бўлишган.

Қиш билан хайрлашган, шу навбаҳор кунлари — март ойида ҳам осмонда ажиб ҳодисалар юз бериб турибди. Бу ойда, ҳаво очиқ кечалари самога назар қадаб сайёралардан Юпитер ва Марсни кеч кириши билан, саҳарга яқин Сатурнни кузатиш мумкин. Мабодо фазо мухлисларининг имкониятларида биронта кичикроқ «телескоп» бўлса, осмонда Кассиопея, Персей, Орион туманликларини, Гиад, Ҳулкар юлдуз тўдаларини, Ой кратерларини, Сатурн халқаларини, Юпитернинг қизғиш йўлдошларини, Марснинг сиртини кузатиш мумкин бўлади. Шунингдек, март ойида самовий ҳодисалардан Ойнинг Сатурн билан (30 мартда), Юпитер (12 мартда), Марс билан (12 мартда) қўшилишлари, 20 мартда эса баҳорги тенг кунлик (кун билан туннинг тенг бўлиши) рўй бериб, Наврўзи олам — баҳор бошланади.

Март ойида кенг нишонланадиган яна бир айём Халқаро хотин-қизлар байрами 8 Мартдир. Назокати гўзал табиат билан баҳслашувга қодир аёллар астрономияда ҳам ўзига хос муносиб ўрин олишган.

Шоирлар аёл чеҳрасини — Ойга, кўзларини — юлдузга, қошу-зулфларини — тунга, меҳр-муҳаббатларини — Қуёшга қиёслаганлар. Само — маъбудалар номи билан аталган Зуҳра (муҳаббат маъбудаси) сайёраси, Андромеда, Кассиопея, Вероника сочлари, Ҳулкар юлдуз туркумлари, аёллар номларига қиёсланувчи афсонавий «Фаэтон» сайёрасининг бўлаклари деб гумон қилинган астероидлардан ҳақиқат маъбудаси — Астрея, ёшлик маъбудаси — Геба, хабарлар маъбудаси — Ирида кабилар билан доимо ўзлигини намойиш этади.

Кўплаб астроном аёллар ўз илмий ишлари ва ҳатто феъл-атворлари билан астрономияга ажойиб ҳиссаларини қўшганлар. Жумладан С. Ковалевская, Е. Н. Бугославская, Н. С. Самойлова-Яхонтова, А. Г. Масевич, Г. Мурсалимова. Биринчи ўзбек аёл астрономи Ҳафиза Шокирова. Фазога аёллардан биринчи бўлиб кўтарилган Валентина Терешкова, аёллардан биринчи бўлиб очиқ фазога чиққан С. Савицкая ва бошқалар.

Машҳур ёзувчи Свифт ўзининг «Гулливернинг саргузаштлари» асарида Марснинг хаёлий йўлдошлари ҳақида баён этиб, башорат қилган эди. Тарих давомида кўплаб астрономлар Марснинг йўлдошларини топиш иштиёқида ёнганлар. 1877 йилда Марснинг навбатдаги Ерга рўпара туриш пайтида собиқ дурадгор, кейинчалик таниқли астроном бўлган Асаф Холл ҳам ўз омадини синаб кўрмоқчи бўлди. Аммо кўплаб уйқусиз тунлар, об-ҳаво ноқулайликлари унинг мадорини қуритди. Ана шунда унинг умр дўсти (бир вақтлар иштиёқ билан астрономияни Асаф Холл раҳбарлигида ўрганган, кўплаб тунларни бедор ўтказган) кузатишни тўхтатмасликни, омадни яна бир синаб кўришни айтади. Яхши ниятни қарангки, интилганга толе ёр бўлиб Асаф Холл 1877 йил 16 августда Марснинг йўлдошини кашф этди ва астрономия тарихига кирди.

Дунёга таниқли рус математик аёли София Васильевна Ковалевская астрономия соҳасида ҳам ажойиб изланишлар қилди. Унинг 1885 йили Сатурн халқалари ҳаракатига оид ишида, материянинг кичик бўлакчаларидан иборат Сатурн халқалари Кеплер қонунларига бўйсунишини назарий ишлаб чиқди. Аёл заковатининг ўткирлиги шундаки, кейинчалик олиб борилган астрономик кузатишлар аёл астроном илмий назарияси тўғри эканини тасдиқлади.

**Саидбаҳром АЗИЗОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Астрономия институтининг илмий ходими.**

# Меҳр ҳадя қилинг

Публицистика

**Аёл бор экан, аёл яхши ва бахтиёр экан — ҳаётимиз фаровон, оиламиз обод бўлади, фарзандлар камолга етади, гуллар очилади, қушлар сайрайди, эркакларнинг умри узун, соғлиғи аъло бўлади! Аёлнинг борлиги, аёлнинг бахтиёрлиги сизга боғлиқ, барно йигитлар, суянч тоғларимиз — оталар!**

**— Эҳ-ҳе, жуда ёш кўринасиз, — дейман синфдошим Афзалга, бир мажлисда уни учратиб, — бундан йигирма йил олдин қандай бўлсангиз, ҳамон шундайсиз-а!?**

**— Нафисахон яхши-да, — дейди у чинакам бахтиёр бир қиёфада рафиқасини мақтаб. — — Нафисахон ақлли, меҳрибон. У ҳам ёш кўринади!**

**— Қарс икки қўлдан чиқади, Афзал. Эсимда сиз... мактабда ўқиб юрганимизда ҳам қизларга меҳрибон эдингиз. Қизларни, аёл ўқитувчиларни алоҳида ҳурмат қилардингиз. Пахтага чиққанимизда пахтамизни тарозига олиб борган ҳам сиз эдингиз. Сиз бор жойда бизнинг оғир юк кўтаришимизга, оғир юмуш бажаришимизга, биров бизни хафа қилишига сира йўл қўймасдингиз. Ишонаман, ўзингиз билан баробар ана шу фазилатларингиз ҳам улғайиб, оилангизни яшнатган. Нафисахон сизнинг меҳрингиздан ёшариб юрипти. Сиз эса унинг.**

**— Тўғри, тўғри! — дейди Афзал хандон кулиб. Ён-веримиздан ўтиб бораётган аёлларга илтифот билан йўл беради. Залдан чиқиб бораётганимизда қадамини хиёл илдамлатиб бориб, эшикни очиб, қулайлик яратади. Шу кичкинагина эътибор ҳам аёлнинг кўнглини тоғдек кўтаради.**

**Аёлга меҳр керак, илтифот, ёрдам керак. Озгина эътибор керак. Байрам кунларидагина эмас, ҳар куни, ҳар соатда, йўлда, уйда, ишхонада, шифохонада! Шунинг учун ҳам биз ўғилларимизни ҳали бешикдалигидаёқ, боқчадалигидаёқ оналарига, қиз болаларга ҳурмат, эъзоз руҳида тарбия қилсак — гўзалликка ҳисса қўшган бўламиз. Нафақат ҳурмат, қиз болага, оналарга иззат, илтифот, ёрдам кўрсата билиш, уларни тушуниш, ҳис қилиш, эъзозлаш фазилатларини сингдиролсак — бурчимизни адо этган бўламиз.**

**Биз байрамларни йил бўйи ҳис этиб, йил бўйи замин яратиб, йил бўйи кўнглимизда гуллар ўстириб яшасак — ҳаётимиз йил бўйи мазмунли, йил бўйи фароғатли бўларди.**

**Кўнглимизда етилиб, кўнглимизда очилган гуллар магазиндан, бозордан сотиб олган гуллардан гўзалроқ, заруррроқ, азизроқ. Кўнглимизда гуллар бўлса — биз табиий гулларни ҳам, табиий меҳру эъзозни ҳам унутиб қўймасдик. Кўнгилда гуллар ўстириш ҳаммамизнинг ҳам қўлимиздан келармикан!**

**Мансабга эришганда ҳам, айрилиқда ҳам, бошга мусибат тушганда-ю шодон кунларда ҳам киши инсофини, меҳрни, меъёрни унутмаса — у яшаб кетади. Байрам кунларига етади.**

**Тошкент яқинидаги Қибрай қишлоғида Хайри момо деган аёл бўлгувчи эди. У ҳаммамиздек саводхон, ҳаммамиздек идораларда жавлон уриб ишлаган аёллардан бўлмаса-да, бор-йўғи уй бекалиги вазифасини ўтаган эсада қалби улуғ эди. Бардоши метин эди. Инсофи бор эди. Умрида ақалли кичкина болага овозини баландлатиб гапирмаган, озор бермаган, юмшоқ муомаласи, қарашлари ҳам юмшоқ бу аёл якка-ёлғиз ўғлини — кўзининг оқи-қораси Усмон Икромовни Улуғ Ватан урушига — Ватан ҳимоясига кузатиб, бир умр уни кутиб яшади.**

**Йигирма ёшида бева қолган келини Мавжуданинг, дадасини кўриб улгурмаган ёлғиз набираси Рихсининг бахтини, соғлиғини табиатнинг энг нозик, тоза жойларидан сўраб яшади.**

**У ўғлини қирқ беш кун эмас, қирқ беш йил кутди. Бировни қарғамади, дод-фарёд қилмади. Сабр-бардош билан кутди, интиқ бўлиб кутди. Уйда ҳеч ким йўқ пайтлар йиғлаб-йиғлаб кутди. Кўз ёшини бировга кўрсатмади.**

**Мавжуда Икромова бригадир, табелчи, кейин кутубхоначи бўлиб, бир умр меҳнат қилди. Хайри момо эса уйининг чироғини ёқиб, келини билан набирасининг оғзига ёқадиган таом ҳозирлаб, сигир соғиб, нон ёпиб, бир умр келинига бир оғиз, ҳа ақалли бир оғиз гап айтмай яшади. Ёлғизликдан, меҳнатдан эзилган Мавжуда гоҳ тўлиб кетган чоғларида шу Хайри момо ипакдек сўзи, ипакдек меҳри, ипакдек қарашлари, сабр-бардоши билан келинининг яраланган, лахча чўғ бўлган юрагига малҳам бўлди.**

**«Мавжуда, ёш умрингни хазон қилма, эрга тег» дегувчилар кўп эди. «Йўқ, Усмон тирик, Усмон келади. Қолаверса, қайнонамнинг юзидан ўтолмайман» деди у. «Қайнонанг рози!». «Йўқ, минг марта рози бўлсалар ҳам мен уларни ёлғиз қолдиролмайман. Ҳам ўғлиман, ҳам қизиман!» деб жавоб берди.**

**Хайри момо тўқсон йил яшади. Ўзидаги фазилатларни набираси Рихсига мерос қолдирди. Рихсининг бешта боласини катта қилди. Сўнгги дақиқаларгача умид билан ўғлини кутди. Сўнгги дақиқаларгача кўзидан, сўзидан меҳр томиб, нур томиб яшади.**

**Келин қайнонанинг маросимларини ўтказиб, қабрига гуллар экди, мармартош қўйди.**

**Мавжуда Икромова пенсияда, қизи Рихси Усмонова Оржоникидзе район поликлиникасида кўп йиллардан бери ҳамшира.**

**— Отам дом-дараксиз кетган, ақалли қабри қаердалигини билсам, излаб борардим, изларини кўзимга суртардим, — дейди Рихси.**

**Сен бувинг қолдирган одамийлик меросини эъзозласанг, шунинг ўзи унинг фарзандини — отангни тавоб қилганинг эмасми, Рихсихон!**

**Аёл бор бўлса — гуллар очилади. Қушлар сайрайди. Аёл бор хонадонга байрам кириб келади. Мавжуда опанинг қизи, набиралари, жиянлари табриклагани келишади.**

**Байрамингиз муборак бўлсин, бардошли аёллар, меҳнаткаш опа-сингиллар!**

**Аёлларга меҳр ҳадя қилинг! Меҳрнинг нархи баланд эмас-ку!**

**Санъат МАҲМУДОВА.**

## Қатралар

# Онажоним

Инсон то ҳаётдан кўз юмгунча ақл ўрганаркан. Ўйлаб қарасам, жуда кўп одамлар билан учрашибман, суҳбатларини ёзиб олибман, ҳатто биографияларини битибман. Меҳнат қаҳрамонлари ҳақида лавҳалар, дабдабали очерклар яратибман.

Лекин онам ҳақида икки оғиз илиқ сўз ёзмабман!

Нега ёзмадим экан? Балки кўз олдимда нуроний чеҳраларидан нур сочиб, соғ-саломат юрганлари учунмикин? Балки онам ҳар қандай мадҳиядан, ҳар қандай лавҳадан юқори турадилар деб ўйлаганим учунмикин? Балки онам шаънига лойиқ сўз тополмаганимданмикан?

Ҳар қанча «балки»ларни қалаштириб, улар панасида ўзимни ҳимояламай онам Манзура Убайдулло қизи ҳақида арзигулик битик ёзмаганим рост.

Бугун байрам баҳонасида кўнглимга шу фикр ўрнашиб қолди. Бугун ёзганларим саксон бир баҳорни кўрган онажонимга байрам қутлови бўлсин.

# Сўров

Автобус бекатида тургандим бир отахон келиб саволга тутди:

— Сен Йўлдошнинг ўғли эмасмисан?

— Ҳа, Йўлдош отанинг ўғлиман, — дедим.

— Ҳай, онанг омонми, онанг?

— Ҳа, соғ-саломатлар.

Ичимда чолнинг гапларидан ғашим келди: «Отамнинг аҳволини сўрайверинг-да, нима қиласиз онамни суҳбатга аралаштириб?».

Автобусга чиқиб ўриндиққа жойлашиб ўтириб олгач чол менга гап қотди:

— Сал ғашингга тегдим-а, болам. Ойингни қизғанар экансан-а?

«Бу чоллари тушмагур балода!».

— Онанг билан бир маҳаллада турардик, — давом этди отахон. — Отанг урушга кетганда бечора не-не азобларни кўрмаган! Хотин боши билан канал қазиган, ғўза чопган, юк орқалаган. Ўшанда икки аканг бор эди. Тўхтамиди каттасининг исми?

Ўша, кейин Жўра аканг. Нон деб йиғлаб ўтирарди иккови. Уларни шундай қилиб боққан. Буёқда қайнонаси, қайнотаси...

Чол жим қолди.

— Не-не аёллар бор эди, — хаёл ичида давом этди у. — Бир бурда нон деб, ёмон йўлларга кириб кетди. Оилалари бузилиб, болалари етим қолди. Энг оғир пайтларда ҳам онанг номусидан воз кечмади. Болаларини тишида тишлаб улғайтирди. Мана, ҳозир ўтиргандир егани олдида, емагани ортида.

— Ҳа, энди, бировдан кам, бировдан кўп, — дедим нима дейишимни билмай.

— Ана шунинг учун онангни сўрадим. Бор бўлсалар албатта зиёрат қилиб кетаман. Невaралари ҳам бордир?

— Ҳатто учта эварали ҳам! — дедим фахр билан.

— Ана! Ҳаётда унинг шунча ёруғ кунлари бор экан. Жўра амакинг салом айтдилар деб қўй.

Онамга айтувдим, жуда хурсанд бўлиб кетдилар.

— Бақувват эканми? Соғ эканми?

— Қайси Жўра амаки у?

— Мен колхозда ишлаганимда у бригадир эди. Икки акангга ҳар куни бир сиқим арпа унни кўпчилик ҳақидан олиб, беркитиб қўярди. «Нега ундай қиласиз?» десам, «Болаларга бир нима бўлиб қолса Йўлдошга нима дейман? У урушда, мен бу ердаман», дерди. Икки акангни ўша кишидан қарзи жуда кўп.

Мен нима дейишимни билмай қолдим.

# Яримта нон

Қаричилик яхши нарса эмас экан. Чол-кампир, яъни ота-онамнинг оғзида тиши йўқ. Ясама тиш милкларига оғир ботиб, ишлатмай қўйишди. Фақат онамнинг бир дона тиши қолган. Отам нуқул:

— Мендан ўн ёш кичиксан-да, тишинг бор, — деб кулиб юрадилар.

Уларга юмшоқроқ оқ буханка ёки бир нечта булочка олиб бораман. Отам унча сир бермаса ҳам, онам жуда хурсанд бўладилар.

— Шунақа юмшоқ нон ер эканман, ер юткур ҳисобчи ўша туянинг кўзидек яримта нонни қизғанганди мендан. Ўзиям нон авлиё пайтлармиди-а, чол?

Воқеа бундай бўлган экан.

Ўша йиллари биз ҳозир яшаб турган Охунбобоев колхози (илгариги номини билмайман) ерларига ҳам пахта экилар экан. Эркаклар йўқ. Хотин-халаж далада. Бутун иш кетмонда бажарилади. Қип-қизил машаққат.

Ҳаммага ягона қатъий норма белгиланган: кечгача ҳар бир одам тўрт ариқ ғўзани чопиқдан чиқариши керак. Шунда яримта нон олади. Бунинг устига эгатлар ҳам калта бўлса экан: онамларнинг айтишича бир боши Мағрибда бўлса, бир боши Машриқда.

Бир куни онам тўртинчи ариқни чопиб тугатишига беш-олти метр қолганда ўзини ёмон сезибди. Бехосдан ерга ўтириб қолибди. Қайтиб ўрнидан туролмабди. Икки ўғил унинг этагига ёпишган. Айтадиган гапи битта:

— Нон ейман. Нон беринг.

Аммо нонга беш-олти метр бор. Онам ўрнидан турмоқчи бўлиб интилибди, лекин туролмабди. Аёллар унинг атрофини ўрашибди:

— Ҳой, нима бўлди сенга!

— Нима бўларди, очлик-да!

— Ҳар куни нон ейдику!

— Ўзи емай икки боласига бўлиб беради. Ўзи қуруқ сув ичади.

— Вой бечора!

Хуллас, шу куни беш метр ер чопилмай қолибди. Ҳисобчи норма бажарилмаганини кўриб, нонни бермабди.

— Эртага бажарсанг, қўшиб бераман, — дебди у...

Шу воқеани онам жуда кўп эслайдилар.

— Дориломон замонлар бўлар экан. Ўша ололмаган яримта ноним ҳеч эсимдан чиқмайди. Бўлмаса урушнинг барча қийинчиликлари эсимдан чиқиб кетган...

Дастурхонда эса оппоқ нонлар турар, онам уларни сийпалар, лаблари бир нималарни пичирларди. Ким билсин, шукрона айтаётгандирлар балки.

# Ёрдам

Кекса одамга овқат қилиш жуда қийин. Шунинг учун эр-хотин ишдан вақтли қайтишга уринамиз. Эрталаб ишга кетаётганда, «Овқат қилманглар, уринманглар», — деб тайинлаймиз. Лекин...

Кечқурун қизим овқат олиб келди. Устига қип-қизил қовурилган помидорлар солинган хоним. Иштаҳа билан ея бошладим.

— Жуда ширин бўлибди. Онанг ишдан шунақа вақтли қайтдими?

Қизим кулди.

— Ҳозир келдилар.

Бир лаган хоним кўтариб аёлим, унинг кетидан икки ўғлим кириб келди.

— Ким пиширди бу ширин таомни?

— Бувимлар.

— Ҳа, энди, — ўзини оқлади онам, — сен, келиним ишда. Чарчаб келасизлар. Шу сизларга ёрдам бўлсин деб қилақолувдим.

Болалар иштаҳа билан хоним туширишарди. Улар бу таомга она меҳри қўшилганини, шунинг учун у ширинлигини қачон англаб етишаркин?!

Темур УБАЙДУЛЛО.

# Уйини, элини ўйлаб

Яна ҳуснкор, тароватли баҳор келди!..

Сезаяпсизми, теварак-атроф жонланмоқда, узоқ-узоқлардан ялпиз ҳиди келади, нуроний отахон ва бувижонлар чеҳрасида шукроналик туйғуси... Баҳор ана шундай сеҳрли, келинчакдек гўзал фасл. Шу билан бирга бу дамда оналар, опа-сингилларимизнинг байрами нишонланиши билан қадрли, қутлуғдир.

«Она алласини эшитсам болалигим, осуда ўтган дамлар ёдимга тушади, — деб ёзади Киров районидаги 239-мактаб ўқувчиси Гулнора Мирсоипова. — Балоғат ёшидаман, ҳадемай мактабни битираман. Бирор кун, соат, дақиқалар йўқки, онам ғамхўрлигини ҳис қилмаган бўлсам. Унинг меҳри мўъжизага ўхшайди».

— Менинг онам 25 йилдан бери Тошкент ёғ-мой ишлаб чиқариш комбинатида тахловчи бўлиб ишлайди,— деди Ҳамза районидаги Хислат кўчасида яшовчи Раъно Узоқова.—Уч фарзандни не-не қийинчиликлар билан вояга етказди. Кечагина яна бир укам армия сафидан келганда бағрига босиб, ўша дамларни эсладилар. Бу йил 45-баҳорни қаршилаётган меҳрибонимдан умрбод қарздорман...».

Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида кимдир почта орқали, яна бошқа биров редакцияга келиб мунис оналар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз шаънига миннатдорчилик билдиришмоқда.

С. Раҳимов районидаги «Янги турмуш» маҳалласидан Абдулла Толипов ўз қудаси ҳақида ёзиб юборибди. Сағбонлик Сабоҳат опа Соҳибова ишчан, ширинсўз аёл экан. Келини Дилнавозни худди ўз фарзандидек кўриб, маслаҳати, зарур пайтда ёрдамини аямайди.

«Бир ойлик қизчамиз шамоллаб қолиб Ўрта Осиё медицина педиатрия институти болалар поликлиникасига ётқизишга мажбур бўлдик,— дейилади Ризаевлар оиласидан келган мактубда. — Тўғриси, клиниканинг ремонт бўлаётгани, ночор хоналарни кўриб аввалига таъбимиз хира тортган эди. Лекин шифокорларнинг жонкуярлиги, малакали муолажасидан кейин кўнглимиз кўтарилди. Даволовчи врач Н. Казанхонова, қабулхона врачи Г. Муҳиддинова, функционал диагностика бўлими врачи Д. Рўзиевалар ўз касбини севган, жафокаш аёллар экан».

Бундай илиқ сатрларни ўқиганда фахрланиб қўйишингиз табиий... Чунки ойла юмушларини дўндириб, бирор соҳада баракали ишлаётган аёллар озмунча дейсизми. Уларни ҳар қанча олқишлаб, эъзозласак арзийди.

Тошкент Давлат университетининг журналистика факультети студенти Мухтор Сулаймонов бизга йўллаган корреспонденциясини «Фаррош» деб номлабди. Унда В. И. Ленин номли майдондаги махсус коммунал хизмати бошқармасида 15 йилдан бери фаррошлик қилаётган И. Муҳамаджонова ҳақида ҳикоя қилинади.

— Коллективдаги Э. Дадамуҳамедова, З. Аҳмедова, Ш. Собирова, Д. Дадажоновалар доимо бу камтарин, меҳнатсевар аёлдан ўрнак олишаяпти,— деб ёзади автор.

Бундай мазмундаги хатлар талайгина. Масалан, газетхон М. Холмуҳамедова 91-болалар боғчасининг тарбиячиси Дилбар Раҳимовна кичкинтойларга қандай мураббийлик қилаётгани, Ш. Даминова эса Студентлар шаҳарчасидаги 15-ателье чевари Ш. Тошхўжаеванинг маҳорати ҳақида тўлқинланиб ёзишади. Ветеран-педагог Х. Мавлонов, Олмалиқ шаҳридан З. Салохов, ТошДУ студентлари С. Ёқубова, Г. Худойқуловалардан ҳам ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида фидокорлик кўрсатаётганлар тўғрисида хат-хабарлар олдик.



Мактубларни ўқиб кўнглимиздан бир гап ўтди. Шундай аёллар доимо бор бўлишсин! Ҳаётда ҳамдам, заҳматкаш, лобар опа-сингилларимизни 8 Март куни билан табриклаб, уларга куч-ғайрат, оилавий бахт-саодат тилаймиз.

Саъдулла ШОДИЕВ.







## Меҳнаткаш, оқила, лобар



# Ҳорманг, Динара Зокировна

**Мамлакатимизда халқ хўжалигининг бирор тармоғи йўқки, у ерда аёлларимиз меҳнат қилмасин. Шаҳримиздаги саноат корхоналарида ҳам ўн минглаб хотин-қизлар эркаклар билан бир қаторда туриб ишлашяпти. Мухбиримиз фидойи аёллардан бири — «Ташсельмаш» бирлашмасининг йўнувчиси Д. З. Имаева билан суҳбатлашди.**

— Мамлакатимизда ягона бўлган пахта териш машиналари ишлаб чиқариладиган бирлашмада меҳнат қилаётганимга 15 йил бўлди. Цехимизда пахта териш машиналарининг ички механизмлари учун деталлар тайёрланади. Пахтачиликда машина терими салмоғининг ошиб бориши билан бизнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизга бўлган талаб кўпайяпти. Пахтакор дугоналаримнинг машаққатли меҳнатлари ҳақида матбуот орқали танишиб бораман, йиғим-теримда ҳашарга чиққанимизда кузатиб чин дилдан ҳис қиламан. Уларнинг оғирини енгиллаштираётган пахта териш машиналари учун мурватлар тайёрлаб бераётганлигимдан қувонаман.

Коллективимизда аёллар саноқли. Тажрибали ишчи В. Вергизова қарийб 40 йилдан бери меҳнат қилади. Цехимиз ишчилари орасида яна бир обрўли ҳамкасбим М. Бегишева кунлик, ойлик топшириқларини ортиғи билан уддалаб келади. Биз аёлларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдормиз.

Турмуш ўртоғим шу заводда кўп йил ишлаб, пенсияга чиқди. Яқинда Совет Армияси сафида хизмат қилаётган ўғлимдан хат олдик. Мактубида ишчилар сулоласида тарбия топганидан мамнун эканлигини ёзибди. Фарзандларим жамиятнинг илғор кишилари бўлиб етишишларини истайман. Цехимиздаги Н. Абдуллаев, Н. Мургунов, В. Чернишев каби ишчиларга ҳавас қиламан. Улар сидқидилдан қилаётган меҳнатлари эвазига обрў-эътиборга сазовор бўлмоқда.

Эркаклар билан бир қаторда оғир саноат соҳасида ишлаш аёллар учун енгил эмас. Станоклар олдида мойли ишчи қўллари билан халқ хўжалиги учун зарур бўлган деталлар яратаётган ҳамкасб дугоналаримнинг сони мамлакатимиз миқёсида юз минглаб саналади. Умумманфаат йўлида меҳнат қилаётганимдан, ишчи касбимдан фахрланаман!

Суҳбатни Садриддин ШАМСИДДИНОВ ёзиб олди.

# Орзу

Ҳар бир кишини ҳаётда юрагига тугиб қўйган орзуси бўлади.

Менинг ҳам орзуим бор. Лекин бу қандайдир айтиб бўлмайдиган, ҳар доим юрагим тўрида сақлайдиган эзгу ниятим.

Кўп кишилар орзуни мақсад билан адаштиришади. Мақсад — рўёбга чиқадиган нарсадир. Менинг ҳозирча битта мақсадим бор: мактабни битириб, институтга кириш. Мен, албатта, ТошДУнинг журналистика факультетига кирмоқчиман.

Журналистика — машаққатли касб. Чунки журналист ҳаёт муаммоларини тўла ва рўй-рост очиб кўрсата олиши, қаерда қийин бўлса, ўша ерда бўлиши керак. Журналистлар қанча-қанча қизиқ воқеаларнинг гувоҳи бўладилар! Улар одамларнинг мушкулини осон қиладилар, қанча-қанча муаммоларни ечадилар.

Кейинги пайтларда, демократия ва ошкоралик кенг тараққиёт этаётгани муносабати билан, аҳоли ўртасида газета ва журналларга бўлган қизиқиш ниҳоятда ўсиб кетди.

Менинг ҳам орзуим журналист сифатида келажакда ана шундай долзарб масалаларни қаламга олиш.

Гулмира МУСАЖОНОВА,
Тошкентдаги 115-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

## Аёллар бор, бахтли даврон...

# Инсон

Уруш — юракларда занглаб қолган ўқ,
Ёки совуқ уриб кулмаган ғунча.
...Отамнинг дардини англаганим йўқ.
Ҳаёт қозонида қайнамагунча.
Қардош мамлакатлар бахтга ёр экан,
Бошимни силаркан забардаст қўллар.
Пойтахт Москвага олиб бораркан,
Шу кичик кўчамга туташган йўллар.
Пухта ўрганяпмиз биз ҳаёт дарсин,
Партия ва Ленин доим бизга бош.
...Тинчлик бўлсин дея нур сочар ҳар кун,
Кўкда юраклардек порлаган қуёш.
Ҳеч вақт ўқ ва қора ерга суянмайди,
Ўғил-қизларига суянган халқим.
...Бари қолиб кетар ташвишлар майда,
Ёритар ер шарин Инқилоб —ёлқин.
Қирғин қурол билан қилмаймиз пойга,
Ўтар кунларимиз шон-шараф билан
...Ёзяпмиз дилларга,
чўлларга,
ойга,
«Инсон» деган номни Бош ҳарф билан.

•

Бермас бунда ҳеч ким ҳеч кимга озор,
Эрта бу кунингдан порлоқ туюлса.
...Лек баъзи одамлар феъли жуда тор,
Бемалол ҳазм қилар бировдан «юлса».
Бировлар бор—қалби бир умр қашшоқ,
Оёқ босган ери ва кийгани зар.
Овози ва юзи бахмалдек юмшоқ,
Ҳақиқат олдида кўзи «кўр» ва «кар».
Майиб виждон қотил бўлар улғайиб,
Шум ният ичингда оқ палак ёйса!!
...Буюк орзуларинг четда мунғайиб,
Юрак қон йиғласа, кўз йўлдан тойса!!
Бахт бошга кўтарар ўздан бошқани,
Еган ошинг ҳалол, умринг бол бўлса!
...Ўзингни бир умр кечиргин қани,
Сен учун онангнинг қадди дол бўлса!!
Босган қадамингни билиб ташлайсанми,
Сенга тинч дунёнинг умри зор бўлса!!
...Айт, қани юракни юлиб ташлайсанми,
Шундайлар олдида тилинг лол бўлса!!

Гулчеҳра РАҲИМОВА,
Қорақалпоғистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

# Қарашинг

Маъюс қарашингиз юракни ёқди,
Кўзим дарёсини тоширди селлар
Намли хазонларга жимгина боқиб,
Кимгадир мен узоқ ёлворгим келар
Мен сизни шунчалар армонли суйдим,
Ёнган юрагимда эриди тошлар.
Хотира йўлларин минг бор айланиб,
Сизга келолмадим ўтмишни бошлаб.
Қуёшга айланган ёдингиз билан.
Яшадим жимгина беруҳ, беимкон
Ногоҳ англадимки дунёлар ёнди,
Сиздан айрилганда йўлда ногаҳон.
Сўлғин қарашларингиз юпата олмай,
Қаро тупроқни қолганда чизиб.
Қанча ўкинмайин, қанчалик тонмай,
Сизни севолмабман сиздан ўтказиб.

Адолат ШАРИПОВА.

# Мадҳия

Сўз маржони камлик қилар таърифига,
Ҳар оила муштоқ унинг ташрифига.
Қалам ожиз гўзаллиги, тавсифига,
Шоир айтар киприги ўқ, қоши камон,
Аёллар бор, биз бахтиёр, бахтли даврон.
Ишончимиз оқлай олган вафоли ёр,
Рўзғоримиз сариштаси, маъноли ёр.
Нозу фироқ қилганда-чи жафоли ёр,
Шоир айтар, киприги ўқ, қоши камон.
Аёллар бор, биз бахтиёр бахтли даврон.
Аёл борки фарзандимиз топар камол,
Кундан кунга уй-жойимиз очар камол.
Латофатда ягонадир гўё хаёл,
Шоир айтар киприги ўқ, қоши камон,
Аёллар бор биз бахтиёр, бахтли даврон.
Чеҳрамизга кулгу қўнса аёл сабаб,
Кулгу ўрнин андуҳ кўмса аёл сабаб,
Дилга яна оташ тушса аёл сабаб,
Шоир айтар киприги ўқ, қоши камон,
Аёллар бор, биз бахтиёр, бахтли даврон.

Муҳайё МИРСАИДОВА.

# Сулув

Мен хонага кирдим-у, ҳайрон бўлиб туриб қолдим. Ичкарида жимлик ҳукм сурарди.

— Бирон кимса борми?

Пештахта ортида бир қиз пайдо бўлди Унинг тимқора, узун сочлари елка узра ортига ташланган. Кўзлари худди чаросдек кишини дарров мафтун этади Мен озгина одимлаб тўхтадим. Яқиндан у янада ҳуснкор кўринарди. Табассум ҳадя қилиб турган сулувга боқиб беихтиёр «Уйқудаги гўзал» эртагини эсладим. Қирол Маликани биргина бўса билан мангу уйқудан уйғотмоқчи бўлади. Ўзимни Қирол тасаввурида сезган эдим журъат ҳамда чексиз жасурлик пайдо бўлди. Титроқ лабларим билан бўса олмоқчи бўлиб, гўзал томонга энгашдим...

Кутилмаганда қизнинг узун киприклари қимирлаб, кўзлари катта-катта очилди. Менга ҳайратомуз қараб туриб сўради.

— Сизга нима берай?..

Шундагина ўзимни «Совғалар» магазинида эканлигимни пайқадим.

— Кечирасиз... Байрамда аёлларга қандай совға тақдим этиш маъқуллигини маслаҳат беролмайсизми?..

Суҳбатилла НОРХУЖАЕВ.

